

Ўзбекистонда ёғингарчилик сабаб эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча тўғон ва ГЭСлар текширилмоқда

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги барча гидротехника иншоотларида текширувлар ўтказиш бўйича топшириқ берган. Бу ҳақда давлат раҳбари 5 май, сешанба куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маълум қилди.

«Менинг топширигимга биноан, ҳозирги кунда тегишли давлат органлари томонидан кучли ёғингарчилик сабабли эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва ГЭСларда текширув ишлари олиб борилмоқда», — деди Президент.

манба: www.daryo.uz